

721 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ تَوَضَّأَ فِي بَيْتِهِ، ثُمَّ خَرَجَ فَقَالَ: لَأَلْزَمَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَلَا أَكُونَنَّ مَعَهُ يَوْمِي هَذَا، فَجَاءَ الْمَسْجِدَ، فَسَأَلَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالُوا: وَجَّهَ هَهُنَا، قَالَ: فَخَرَجْتُ عَلَى أَثَرِهِ أَسْأَلُ عَنْهُ، حَتَّى دَخَلَ بَيْتَ أَرِيَسٍ، فَجَلَسْتُ عِنْدَ الْبَابِ حَتَّى فَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَاجَتَهُ وَتَوَضَّأَ، فَمُتُّ إِلَيْهِ، فَإِذَا هُوَ قَدْ جَلَسَ عَلَى بَيْتِ أَرِيَسٍ، وَتَوَسَّطَ قَفَّهَا، وَكَشَفَ عَنْ سَاقِيهِ وَدَلَّاهُمَا فِي الْبَيْتِ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ ثُمَّ انْصَرَفْتُ، فَجَلَسْتُ عِنْدَ الْبَابِ فَقُلْتُ: لَأَكُونَنَّ بَوَّابَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْيَوْمَ، فَجَاءَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَدَفَعَ الْبَابَ فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ فَقَالَ: أَبُو بَكْرٍ، فَقُلْتُ: عَلَى رِسْلِكَ، ثُمَّ ذَهَبْتُ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ هَذَا أَبُو بَكْرٍ يَسْتَأْذِنُ، فَقَالَ: «إِنِّدْنِ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ» فَأَقْبَلْتُ حَتَّى قُلْتُ لِأَبِي بَكْرٍ: ادْخُلْ وَرَسُولُ اللَّهِ يُبَشِّرُكَ بِالْجَنَّةِ، فَدَخَلَ أَبُو بَكْرٍ حَتَّى جَلَسَ عَن يَمِينِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَهُ فِي الْفُفِّ، وَدَلَّى رِجْلَيْهِ فِي الْبَيْتِ كَمَا صَنَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَكَشَفَ عَنْ سَاقِيهِ، ثُمَّ رَجَعْتُ وَجَلَسْتُ، وَقَدْ تَوَكَّتُ أَحِي يَتَوَضَّأُ وَيَلْحَقُنِي، فَقُلْتُ: إِنْ يُرِدِ اللَّهُ بِفُلَانٍ - يُرِيدُ أَحَاهُ - خَيْرًا يَأْتِ بِهِ، فَإِذَا إِنْسَانٌ يُحْرِكُ الْبَابَ، فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ، فَقُلْتُ: عَلَى رِسْلِكَ، ثُمَّ جِئْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ وَقُلْتُ: هَذَا عُمَرُ يَسْتَأْذِنُ؟ فَقَالَ: «إِنِّدْنِ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ» فَجِئْتُ عُمَرَ، فَقُلْتُ: أَذِنَ، ادْخُلْ وَيُبَشِّرُكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْجَنَّةِ، فَدَخَلَ فَجَلَسَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْفُفِّ عَن يَسَارِهِ، وَدَلَّى رِجْلَيْهِ فِي الْبَيْتِ، ثُمَّ رَجَعْتُ فَجَلَسْتُ فَقُلْتُ: إِنْ يُرِدِ اللَّهُ بِفُلَانٍ خَيْرًا - يَعْنِي أَحَاهُ - يَأْتِ بِهِ، فَجَاءَ إِنْسَانٌ

فَحَرَكَ الْبَابَ، فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ فَقَالَ: عُثْمَانُ بْنُ عَفَّانَ فَقُلْتُ: عَلَى رِسْلِكَ، وَجِئْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَخْبَرْتُهُ فَقَالَ: «إِذْذَنْ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ مَعَ بَلْوَى تُصِيبُهُ» فَجِئْتُ فَقُلْتُ: ادْخُلْ وَيُبَشِّرْكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْجَنَّةِ مَعَ بَلْوَى تُصِيبُكَ، فَدَخَلَ فَوَجَدَ الْفُفَّ قَدْ مُلِيَ، فَجَلَسَ وَجَاهَهُمْ مِنَ التَّبَقِّ الْآخَرِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 3674، م 2403/29].

وَزَادَ فِي رِوَايَةٍ: «وَأَمَرَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِحِفْظِ الْبَابِ وَفِيهَا: أَنَّ عُثْمَانَ حِينَ بَشَّرَهُ حَمَدُ اللَّهِ، ثُمَّ قَالَ: اللَّهُ الْمُسْتَعَانُ [خ 3693، م 2403].

قَوْلُهُ: «وَجَهَّ» هُوَ بَفَتْحِ الْوَاوِ وَتَشْدِيدِ الْجِيمِ، أَي: تَوَجَّهَ. وَقَوْلُهُ: «بِئْرٍ أَرِيْسٍ»: هُوَ بَفَتْحِ الْهَمْزَةِ وَكَسْرِ الرَّاءِ، وَبَعْدَهَا يَاءٌ مُثَنَّاَةٌ مِنْ تَحْتِ سَاكِنَةٍ، ثُمَّ سَيْنٌ مُهْمَلَةٌ، وَهُوَ مَصْرُوفٌ، وَمِنْهُمْ مَنْ مَنَعَ صَرْفَهُ. «وَالْفُفُّ» بِضَمِّ الْقَافِ وَتَشْدِيدِ الْقَاءِ: وَهُوَ الْمَبْنِيُّ حَوْلَ الْبَيْرِ، قَوْلُهُ: «عَلَى رِسْلِكَ» هُوَ بِكَسْرِ الرَّاءِ عَلَى الْمَشْهُورِ، وَقِيلَ بِفَتْحِهَا، أَي: ارْقُفْ.

721. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Уйда таҳорат олиб, чиқдим-да, «Бугун Расул соллаллоху алайҳи васалламдан ажралмайман, у зот билан бирга бўламан» деб аҳд қилдим. Масжидга бориб, Набий соллаллоху алайҳи васалламни сўрасам, у зот чиқиб кетганларини, анави томонга кетганларини айтишди. Ортларидан чиқиб, у зотни сўрасам, Арийс қудуғи (жойлашган чорбоғ)га кирган эканлар. Эшикнинг олдида ўтириб олдим. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам қазои ҳожат қилиб, таҳорат олдилар. Туриб, ёнларига борсам, Арийс қудуғининг лабига ўтириб, болдирларини очиб, уларни қудуққа осилтириб олган эканлар. У зотга салом бериб, кейин қайтиб бориб, эшикнинг олдида ўтирдим. «Бугун Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг эшикбонлари бўламан», дедим.

Бир пайт Абу Бакр келиб, эшикни итарди. «Ким бу?» дедим. «Абу Бакр», деди. «Шошмай тур» дедим-да, бориб, «Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Бакр экан. Изн сўрапти», дедим. У зот: **«Унга изн бергин-да, жаннат хушхабарини**

**бер»**, дедилар. Қайтиб бориб, Абу Бакрга «Кир, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенга жаннат хушхабарини беряптилар», дедим. Абу Бакр кириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўнг томонларига, қудуқнинг лабига ўтириб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшаб, болдирини очиб, оёқларини қудуққа осилтириб олди. Кейин мен қайтиб бориб, (жойимга) ўтирдим.

(Уйда) таҳорат олаётган укамни қолдириб келган эдим, у ортимдан келиши керак эди. «Аллоҳ фалончига - яъни укамга - яхшилик ирода қилган бўлса, уни келтиради», дедим. Шу пайт бир инсон эшикни қимирлатди. «Ким бу?» десам, «Умар ибн Хаттоб», деди. «Шошмай тур» дедим-да, бориб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом бериб, «Умар экан. Изн сўраяпти», дедим. У зот: **«Унга изн бергин-да, жаннат хушхабарини бер»**, дедилар. Келиб, Умарга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам изн бериб, сенга жаннат хушхабарини бердилар», дедим. У кириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чап томонларига, қудуқнинг лабига ўтириб, оёқларини қудуққа осилтириб олди. Қайтиб бориб, (жойимга) ўтирдим. «Аллоҳ фалончига - яъни укамга - яхшилик ирода қилган бўлса, уни келтиради», дедим.

Шу пайт бир инсон келиб, эшикни қимирлатди. «Ким бу?» десам, «Усмон ибн Аффон», деди. «Шошмай тур» дедим-да, бориб, у ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар бердим. У зот: **«Унга изн бергин-да, унга етадиган мусибат билан бирга жаннат хушхабарини бер»**, дедилар. Келиб, «Кир, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенга етадиган мусибат билан бирга сенга жаннат хушхабарини бердилар», дедим. У кирса, қудуқнинг лаби тўлиб қолган экан. Шунда у уларнинг рўпараларига - бошқа томонга ўтирди.

*Муттафақун алайҳ.*

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени эшикка қараб туришни буюрдилар. Усмонга жаннат хушхабари берганларида, Аллоҳга ҳамд айтиб, сўнгра «Аллоҳ ўзи мадакдор», деб айтганини» зиёда қилинди.

**Шарҳ:** Арис қудуғи - Мадинаи Мунавварадаги Қубо масжиди яқинида жойлашган қудуқ ва шу қудуқ ўрнашган боғ. Арабларда боғларни улардаги қудуқ номи билан аташ одати бўлган.

Саъид ибн Мусайяб раҳматуллоҳи алайҳ Абу Бакр розияллоҳу анҳу билан Умар розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки тарафларида ўтиришларини қабрда ҳам худди шундай икки ёнларида бўлишларига ишора сифатида кўрган экан.

Бу ҳадисда, келажакда Усмон ибн Аффонга етадиган мусибатларни зикр

қилинишида Пайғамбар алайҳиссаломнинг мўъжизалари намоён бўлмоқда.

Ундан ташқари, биринчи Абу Бакр, иккинчи Умар, учинчи Усмон, тўртинчи Алий розияллоҳу анҳумлар эшикдан киришларини халифаликлари ҳам шу тартибда бўлганига таъвил қилинади.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI